

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

UZBUNYODKOR
UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА **IJTIMOIIY-IQTISODIY GAZETA**

№99 (244) 2018 йил 18 декабрь, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

Дунё эътироф этган ташаббус

Аввал хабар қилинганидек, 2018 йил 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида «Маърифат ва диний бағрикенглик» номли махсус резолюция қабул қилинди. Ушбу резолюция Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил сентябрь ойда Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида илгари сурган ташаббуснинг амалий ифодасидир.

Хелена ФРЕЙЗЕР,
БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси,
БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили:

«Маърифат ва диний бағрикенглик» номли резолюция БМТга аъзо давлатлар томонидан бир овоздан қабул қилинди. 51 давлат Ўзбекистон томонидан илгари сурилган конструктив таклиф, яъни дунёда мавжуд барча динларга нисбатан маънавий бағрикенглик маданиятини кучайтиришга доир ғояни қўллаб-қувватладилар. Чунки ушбу резолюция бағрикенглик билан бирга, маданий ва диний билимларни кучайтириш тамойилини ҳам олға сурган ҳолда, глобал тинчлик ва фаровонлик учун устувор йўналиш бўлиб хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Владимир НОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегия ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори:

БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюцияси қабул қилиниши 2018 йилнинг муҳим тарихий воқеаси бўлди. Ушбу ҳужжат Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида юртимизда миллатлараро ва диний бағрикенгликни таъминлаш борисда узоқни кўзлаб олиб борилаётган изчил чора-тадбирларнинг дунё ҳамжамияти томонидан тани олинишидир. Резолюцияда асосий эътибор ҳуқуқий маданиятни ошириш, диний маърифатни кучайтириш орқали инсонлар онгини соф туйғулар билан озқилантиришга қаратилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳукм сурётган миллатлараро ва динлараро тотувлик, дўстлик ва бағрикенглик муҳити ижтимоий барқарорликни таъминлаш, ёш авлоднинг миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, Ватанимизнинг халқаро майдонда обрў-эътиборини янада юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Амани ал-ИТР хоним,
Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

Ушбу муҳим резолюцияни Миср ҳам қўллаб-қувватлади. Давлатларимиз ўртасида айна масаладаги туташ нуқта, бу – Ўзбекистон билан Мисрнинг диний тотувлик жамият барқарорлигида муҳим роль ўйнашини англаб етганидир. Резолюциядан кўлаб муҳим жиҳатлар ўзини олган. Таълим йўналишини оладиган бўлсак, Ўзбекистонда турли миллат вакиллари, турфа динга эътиқод қилувчилар ўзларининг муносиб ўрнига эга. Мазкур йўналишда мамлакатимизда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Резолюция ташаббускори бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ролини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Бу Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият олдида турган мураккаб муаммолар ечимини топишда оқилона ташаббуси бўлди.

Ирфон Юсуф ШОМИЙ,
Покистон Ислам Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

Ўзбекистон илгари сурган ташаббуснинг муҳимлиги шундаки, дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатлари энди унинг ҳаммуаллифи ҳисобланади. БМТда маъқулланган резолюцияни Покистон ҳам дастлабки босқичдан қўллаб-қувватлади. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев мазкур резолюциянинг асосини ташкил этувчи соҳаларни ривожлантириш йўлида кўлаб ишларни амалга оширди. Консенсус йўли билан қабул қилинган ҳужжатда барча аъзо давлатлар Президент Шавкат Мирзиёев ташаббусини юксак баҳоладилар. Халқ бирдамлиги, диний бағрикенглик, инсон ҳуқуқларининг унинг асосини ташкил этди. Мазкур резолюция дунё ҳамжамияти учун энг мақбул ҳужжат бўлади, деб ўйлайман. Яқинда Самарқандда

Инсон ҳуқуқлари бўйича Осие форуми бўлиб ўтган, унда Самарқанд декларацияси қабул қилинган эди. Халқаро ҳамжамият ва тарихан муштарак бўлган минтақа мамлакатлари ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватлайди.

Мосуд МАННОН,
Бангладеш Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

Бангладеш Республикаси ҳар доим тинчлик ва тотувлик, диний бағрикенглик тарафдори бўлган. Шу боис, Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббусни биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади. Диний бағрикенглик бўйича Ўзбекистон дунёда энг намунавий ва ўрнак бўла оладиган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Мен Ўзбекистондаги 5 йиллик элчилик фаолиятим давомида ўзга дин вакиллари билан нисбатан фарз муносабатни кузатмадим. Аксинча, барча дин вакиллари, миллат ва элатлар тинч-тотув, аҳил ва ҳамжиҳат яшайди. Бу Ўзбекистон Президенти олиб бораётган сиёсат натижасида юрда диний бағрикенглик муҳити қарор топганидан далолатдир. Қолаверса, бу масала фақат қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилгани учун эмас, балки кўпчилиги ислом динига эътиқод қилувчи Ўзбекистон халқининг бошқа дин вакиллари билан нисбатан доимо ҳурмат-эътиромда бўлиб келгани билан ҳам боғлиқ. Одамларнинг турли миллат вакиллари билан дўстона муносабати, аввало, ўзаро мулоқотлар орқали шаклланади. «Маърифат ва диний бағрикенглик» номли резолюциянинг БМТ Бош Ассамблеясида қабул қилиниши ана шу ижобий муносабатлар натижасидир.

ВИКЕНТИЙ,
Тошкент ва Ўзбекистон метрополити:

Бу ташаббус Ўзбекистон томонидан илгари сурилгани тасодиф эмас. Чунки бу юрда азалдан диний бағрикенглик мустаҳкам қарор топган. Ўзбекистонини бағрикенглик бешиги, ҳам дейиш мумкин. Дунё халқлари ҳам бу дийёрдаги каби тинч-тотув, аҳил ҳаёт кечирин деган ғоя илгари сурилгани бежиз эмас. Биз турли миллат ва конфессиялар вакиллари Президент Шавкат Мирзиёевнинг қўллаб-қувватлови, кўмагини доимо ҳис қилиб турамыз. Бундай эътибордан жуда миннатдоримиз.

Нуриймон АБУЛҲАСАН,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита раиси ўринбосари:

Ўзбекистон Президенти илгари сурган ташаббус БМТ томонидан қабул қилингани оламшумул воқеа бўлди. Мазкур ташаббус учун Ўзбекистон ҳам тарихан, ҳам маънан ҳақли десак аниқ бўлмайди, бунга тарихдан мисоллар кўп. Юртимиз ҳудудида диний низолар қўзғатилмаган, шу билан бирга бугунги кунда Ўзбекистонга ташриф буюрувчи ҳар қандай киши диний бағрикенглик муҳити бошқа давлатларга намуна бўларли даражада эканини эътироф этади. Махсус резолюциянинг қабул қилиниши натижасида энди БМТга аъзо давлатлар таълим муассасаларида диннинг инсонпарварлик моҳияти тарғиб этилади. Ҳар бир аъзо давлат бу борада ўзига мажбурийят олади. Ушбу давлатларда бундан буён дин ҳеч қандай зўравонлик билан бир сафга қўйилмайди. Экстремизм, терроризм сўзлари дин билан боғланмайди. Чунки, Президентимиз 72-сессияда айтиб ўтганидек, ислом терроризмини қоралайди ва исломни биз терроризм билан боғлашимиз мумкин эмас. Шундай экан, баъзи давлатларда исломга терроризм либосини кийдиришга ҳаракат қилинаётган бир пайтда ушбу резолюция келгусида барча мамлакатларга маърифат билан ва диний бағрикенгликни ривожлантириш орқали дунёда тинчликни сақлаб қолиш мумкин, деган шior илгари сурилади.



Спортчилар учун муносиб тухфа

Янги йил арафасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кўлаб янги иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда. Бухоро вилояти Олот туманидаги замонавий сузиш ҳавзаси сув спорти ихлосмандлари учун муносиб байрам тухфаси бўлди.

Тумандаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабига қарашли замонавий сузиш ҳавзасининг фойдаланишга топширилишига бағишланган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ўринбосари Ж. Носиров, давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Тадбирда мазкур иншоот юртимизда спортнинг оммавийлигини таъминлаш, ёш истеъодларни аниқлаш ва уларнинг маҳоратини оширишга катта эътибор қаратилиб, соҳанинг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланаётганидан далолат экани, шу билан бирга, яқин йилларда туманда сув спорти турла-

ри бўйича катта ютуқлари билан тилга тушадиган совриндорларнинг етиштиришига хизмат қилиши таъкидланди. Фойдаланишга топширилган сузиш ҳавзаси Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ўринбосари Ж. Носиров, давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Лойиҳа қиймати 5 миллиард сўмлик объектда бунёдкорлик ишлари «Шарқ плюс» масъулияти чекланган жамияти курувчилари томонидан амалга оширилди.

«Шарқ плюс» дастури доирасида Усмон шайх қишлоғида қишлоқ врачлик пункти, 25 ўринли ҳаммом ҳамда мазкур сув спорти иншоотида олиб борилган қурилиш ишлари якунига етиб, фойдаланишга топширилиши барча юртдошларимиз қатори меҳнат жамоамиз учун ҳам катта қувонч бахш этди, – дейди «Шарқ плюс» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ҳамрой Чориев. – Болалар-ўсмирлар спорт мактабига қарашли мазкур ёпиқ сузиш ҳавзаси Бухоро вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси буюртмаси ҳамда «Лойиҳа сув қурилиш» МЧЖ лойиҳаси асосида бунёд этилди. Иншоот қисқа муддатларда қурилган бўлса-да, унда спортнинг сузиш йўналиши бўйича машғул бўлиш учун барча шарт-шароитлар кўзда тутилган. Дарҳақиқат, бу ерда бир кунда 120 нафар ўғил-қизнинг малакали мутахассислар раҳбарлигида сузиш спорти сирларини ўрганиши учун барча шарт-шароитлар янада мураббийлар, тиббиёт, кийиниш хоналари, сув тарки-

би назорат қилинадиган лаборатория ташкил этилган. – Туманимизда сузиш ҳавзаси қурилгани биз учун ажойиб совға бўлди, – дейди ёшлар номидан Фарида Ҳамройлова. – Ўтган йили кўшни Қорақўли туманида ана шундай объект фойдаланишга топширилганида ҳавас қилган эдик. Энди ўзимизда ҳам шундай имконият яратилди. Мен таэквондонинг ITF тури билан шуғулланаман. Яқинда Минск шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида бронза медали олдим. Энди сузиш спорти билан ҳам шуғулланмоқчиман. Таъкидлаш жоизки, сузиш ҳавзасида туманда спортнинг янги тури, яъни сув полоси билан шуғулланувчиларга ҳам тегишли қулайлик бор. Эътиборлики, туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси томонидан 235 миллион сўмлик тегишли анжомлар билан таъминланди.

Ўз мухбиримиз. ЎЗА суратлари.

Катта тажриба ва малакали меҳнат – жамият бойлиги

Ёши улуг инсонларни эъзозлаш, уларга гамжурлик кўрсатиш, оғирини енгил қилиш миллий қадриятимиз бўлиш билан бирга, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келаётди.

Бу йўналишда, энг аввало, уруш ва меҳнат fronti фахрийларини қўллаб-қувватлашга, ёлғиз қарияларга ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо пенсия ёшига етган кишиларнинг барчаси ҳам кексайиб қолган эмас. Улар орасида ҳали соғлигидан умуман шикоят қилмаган, меҳнат қобилияти талабга тўла жавоб берадиганлари кўп. Энг муҳими, кўпчилиги ишлаб чиқариш, ижтимоий соҳаларнинг малакали мутахассиси, ўз соҳасининг билимдони, катта ҳаётий тажрибага эга кишилардир.

Бундай кишиларда пенсия ёшига етган ҳам ишлаш истаги билан бирга, ҳали жисмоний имконияти ҳам етарли бўлади. Ўзи жисмонан ва руҳан соғлом, фарзандлари ҳаётда ўрнини топиб олган, оилавий таълимни ҳам одам бекор ўтиргиси келмайди. Айниқса, узлуксиз ишлаб келган, касбини севадиган одам бекор ўтириши қийин. Шунинг учун кўпчилиги ишлашни да-

вом эттиришни хоҳлайди. Ҳозир Жиззах вилоятидаги 80 минг 700 дан ортиқ пенсионернинг 2 минг 600 нафардан кўпроги ишлаётди. Халқимиз турмуш фаровонлигининг юксалиши, тиббий хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиши натижасида ўртача умр кўриш узайиб, пенсиядаги кишилар орасида меҳнат қобилиятини йўқотмай, давлат ва жамоат ишларида фаол иштирок этаётганлар кўпайиб бормоқда. Уларнинг бой пухта билими, ҳаётий тажрибаси ва малакаси жамиятимизга катта фойда келтирмоқда. Бирок, қонунда ишловчи пенсионерга пенсия нафақасининг ярми тўлашни белгилаб қўйилгани уларнинг ишлашда давом этишига иштиёқини бироз сусайтираётган эди. Ваҳоланки, катта тажрибага эга малакали ходим ҳар қандай ишхонага кўпроқ фойда келтириши мумкин. Айниқса, тажриба ўша ишхонадаги ёшларнинг кўп нарсани тезроқ ўзлаштиришига, малакали меҳнат қилишига ёрдам беради.

Президентимизнинг 2018 йил 12 декабрдаги «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самардорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу масаланинг адолатли ечимини бўлди, деб ҳисоблайман. Бу, аввало, эл-юрт фаровонлиги йўлида ҳалол меҳнат қилган малакали мутахассис пенсионерларни қўллаб-қувватлаш сифатида улар тажрибасидан самарали фойдаланишга олиб келади. Ахир, меҳнат қанча малакали, катта тажриба асосида қилинса, шунчалик сифатли ва аҳамиятли бўлади. Ушбу фармон билан 2019 йил 1 январдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга пенсиянинг тўлиқ миқдорда тўлашни ҳамда пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдорини энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробарига оширилиши ана шу бойлиқдан янада самарали фойдаланиш учун жуда катта имконият яратади, деб ҳисоблайман.

Нуриддин НУРМАТОВ,
«Нуроний» жамғармаси Жиззах вилояти бўлими кенгаши аъзоси, меҳнат фахрийси.

PO'LAT ESHIKLARI

+998 99
595 55 55

www.dorsa.uz
info@dorsa.uz

XX "Sam-Ferre" xizmat ko'rsatadi

ПРОИЗВОДСТВО ДЛЯ СИСТЕМ ВЕНТИЛЯЦИЙ ISO И КОНДИЦИОНИРОВАНИЯ ВОЗДУХА 9001:2015

ПКП ООО «JIHOZ – BENTILYATSIYA»

e-mail: jihaz-vent@mail.ru сайт: www.jihaz-vent.uz
тел: +998 (71) 273-06-77 факс: +998 (71) 273-92-88

Товары сертифицированы.

РЕКЛАМА

МУВАФФАҚИЯТИНГИЗ КАФФАТИ

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

+9987 244-21-71 +9987 244-21-71
uzbunyodkori@mail.ru

2 БУНЁДКОРЛИК

2018 йилда Қорақалпоғистон Республикасида жами 15 та 5 қаватли уй-жойларни қуриш режалаштирилган эди. Булардан 10 таси Нукус шаҳрида, 3 таси Берунийда ва 2 таси Тахياتошда бунёд этилди.



Қорақалпоғистон: халқи фаровон,

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистоннинг шимол-ғарбида мамлакатимизнинг салкам 40 фоиз (166 600 квадрат километр) ҳудудини эгаллаган. Аҳолиси ҳам юртимиз аҳолисининг 5,6 фоизини ташкил этади. Қорақалпоғистон Турон пасттекисликларида ўрин эгаллаб, жануби-ғарб томондан Қорақум чўлига туташган, шимол-шарқда Устюрт платоси, шимол-шарқда эса Қизилқум чўллари жойлашган. Қорақалпоғистон ҳудудининг 80 фоизидан зиёдини чўллар эгаллаган.

Юртимизнинг анчагина қисмини эгаллаган Қорақалпоғистон Республикаси жануб томондан Туркменистоннинг Ташоуз ва Балқан вилоятлари, ғарбдан Қозоғистоннинг Мангистау вилояти Қорақийн, Мангистау ва Бейнов туманлари, шимолдан эса Ақтўбинск вилоятининг Бойғон тумани, шимол-шарқ томондан Қизилўрда вилоятининг Казалинк ва Кармақшин туманлари, жануби-шарқда Хоразм ва Бухоро, шарқда Навоий вилоятлари билан chegarдош.

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ЯШНАГАН ЎЛКА

Мустиқликл йилларида шаҳару қишлоқларимиз замонавий қиёфа касб этиб, ҳаётимизда ижтимоий-сиёсий муносабатлар бутунлай ўзгарди. Мустиқид тузум даврида асосан хомаш ётказиб бевуччи аграр республика бўлган Ўзбекистон иқтисодий ёрқарор тараққий этаётган, саноати ривожланган, энг муҳими, халқнинг фаровонлиги муттасил юксалиб бораётган қудратли давлатга айланди.

Мамлакатимизнинг шимол-ғарб минтақаси — Қорақалпоғистон Республикасида ҳам мустиқликл йилларида кенг қўламини ислохотлар амалга оширилди. Худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган алоҳида эътибор юксак самаралар берди. Пухта ўйланган, босқичма-босқич амалга оширилётган исчилохотлар тўғрисида бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаси, транспорт-коммуникация тармоқлари ривожланган минтақага айланди.

Мустиқликл йилларида бу заминда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, рўй берган ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида узок гапириш мумкин. Марказий Осиёда ягона, сахро бағридаги мўъжиза — Кўнғирот сода заводи, Хўжайли шиша заводи, «Марказий Осиё безак тошлари» кўшма корхонаси, Кўнғирот карбид, Нукус мрамор ва кабель заводлари, Ўрга газ кони, «Элтекс» ва «Катекс», турли хажмдаги елим қувурлар ишлаб чиқарувчи «Полимер» заводи, «Нукус трансформатор» каби замонавий ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилиб, замонавий мухташам иншоотлар қад ростлади.





Истиқлолнинг дастлабки йилидаёқ минглаб аҳолини ичимлик суви билан таъминлаган 243 километрик Туямўйин-Нукус-Чимбой-Тахтакўпир сув тармоғи ишга туширилди.

Ер ости бойлиқларини излаш, қазиб олиш ва улардан самарали фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хорижлик шериклар билан «Жел», «Ғарбий Орол» каби истиқболли конлар очилди. «Устюрт ва Орол денгизи атрофларида геофизика ишларини амалга оширишни кучайтириш» дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра, Устюрт кенгликларига сейсмик тадқиқотлар жадал олиб борилмоқда. Айниқса, «Ўзбекгеофизика» акциядорлик жамиятининг «Устюрт геофизика экспедицияси» филиали жамоасининг сайёҳ-харакатлари таҳсинга муносиб. Ҳозир кунга 45 минг кубометр газ бераётган «Тиллали», «Сайхун», «Иньом», «Арслон» сингари янги конлар ана шу экспедиция излаш ишларининг самарасидур.

Бугун дунё халқларининг эътиборини тортаётган, ҳавасли, ҳайратли нигоҳларига сабаб бўлаётган Устюрт газ-кимё мажмуаси асрлар оша қақраб ётган бепоён дашта қад ростлади.

Корхона жаҳоннинг нуфузли наشرлари томонидан 2012 йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб топилди. Хусусан, 2014 йили нуфузли «Infrastructure Journal» халқаро наشري мазкур лойиҳа қурилишини «2014 йилнинг нефть-газ соҳасидаги энг йирик битими», деб эълон қилди. Умумий қиймати 4 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бу машур лойиҳа амалга оширилиши мамлакатимиз саноати ривожини янги босқичга кўтариши шубҳасиз. Ҳозир бу ерда йилга 4,5 миллиард куб метр газ қайта ишланмоқда. Бунинг самарасида халқимиз эҳтиёжи ва экспорт учун 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз дистилляти ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам Президентимиз ташаббуси би-



лан барпо этилаётган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойларга талабгорлар тобора кўпаймоқда. Барча шароитларга эга бундай замонавий уйларида минглаб оилалар бахтли ҳаёт кечирмоқда. Уй тўйларига келин тўйларий улиби кетаётди.

Бугунги кунда ҳам Қорақалпоғистон Республикасида бу борада таҳсинга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрда қабул қилинган «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартираларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори нанкин қурилиш ва шаҳарсозлик соҳаси, балки узок йиллар мобайнида оғир шароитларда яшаётган одамлар, ёрдамга муҳтож ёш оилаларнинг келажаққа бўлган умидларини оширмоқда.

Хусусан, 2018 йилда Қорақалпоғистон Республикасида жами 15 та 5 қаватли уй-жойларни қуриш режалаштирилган эди. Булардан 10 таси Нукус шаҳрида, 3 таси Берунийда ва 2 таси Тахياتошда бунёд этилди. Энг асосийси, мазкур турар жойларнинг қурилиши натижасида ана шу ҳудудларга янги муҳандислик тармоқлари тортилди, мавжудлари янгиланди. Чунончи, 3,4 километр ташқи электр, 0,6 километр газ, 3,5 километр алоқа тармоқлари қурилиб, 1,02 километр ичимлик суви ва 1,3 километр оқова сувлари тармоқлари тортилди, 14 682 квадрат метрик ҳудудда ободонлаштириш ишлари бажарилди.

— Давлатимиз раҳбарининг тавсияларига кўра, кўп қаватли уй-жойларнинг биринчи қаватида оилавий поликлиника ва мактабгача таълим муассасасини жойлаштириш яхши самара бермоқда, — дейди Нукус шаҳри ҳокимининг Саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Мадиёр Ерназаров. — Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 350 қатновга эга бўлган 8-сонли оилавий поликлиникасининг 100 қатновли бўлими ҳам Юртбошимизнинг тавсиясига кўра кўп қаватли уй-жойларнинг биринчи қаватида жойлаштирилди.

Объектнинг қиймати 3 млрд 80 млн сўми ташкил этди. Шунингдек, тиббий жиҳоз ва ускуналар учун 1,2 млрд сўм ажратилди. Поликлиникага 11 минг аҳолини бириктириш кўзда ту-

тилган. Бу ерда умумий амалиёт шифокоридан ташқари, аҳоли саломатлигини сақлашда зарур бўлган барча мутахассислар, жумладан жарроҳ, гинеколог, офтальмолог, отолоринголог, стоматолог, педиатр, терапевт шифокорлар фаолият кўрсатади. Бундан ташқари, ёрдамчи хоналарда замонавий асбоб-ускуналардан — рақамли флюорограф, ультратовуш текширув ускунаси, ЭКГ, лаборатория, сериализация хоналари фаолият кўрсатади.

Нукус шаҳридаги «Қумбуз овул» овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги кўп қаватли уй-жойларнинг биринчи қаватида тадбиркор Зухра Есемуратова томонидан 50 ўринли «Гнездышко» давлат-хусусий шерикчилик асосидаги мактабгача таълим муассасаси жойлаштирилди. Энг асосийси, болажонларга замонавий услубда таълим-тарбия бериш учун муассаса зарур жиҳозлар билан таъминланди.

Қорақалпоғистон Республикасининг барча ҳудудлари каби Нукус шаҳрида ҳам кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди ва бу борадаги ишлар исчилохот давом этирилмоқда. Темир йўл вокзали, Нукус халқаро аэропорти, И. Савицкий номидаги санъат музейи, Ўлкашунослик музейи тани бўлмас даражада замонавий қиёфа касб этди. Шаҳарнинг Ислом Каримов, Амир Темури, Тўлепберген Қайпбергенов кўчаларида қад ростлаган кўп қаватли замонавий уйлари қўчиб ўтган юзлаб оилалар ҳаётига ўзгача шуқуқ кирди. Шаҳар марказидан оқиб ўтувчи Дўстлик каналининг икки қирғоғи бўйлаб 2,5 километр масофада кўплаб кўнғилочар, дам олиш объектлари ишга туширилди.

ДАСТУРЛАР ИЖРОСИНИ ЖОЙЛАРГА БОРИБ КЎРИНГ

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам «Обод қишлоқ» дастури доирасида қайта қуриш, кенг қўламли ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПҚ-3630-сонли қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикасида 15 та туманда «Обод қишлоқ» дастурига қиритилган 30 та қишлоқда қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун 215,1 млрд сўм маблағ ўзлаштириш белгиланган. Бугунги кунда дастур доирасида барча манбалар ҳисобидан 178,1 млрд сўм молиялаштирилиб, 162,9 млрд сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши «Ягона бунёдкорлик» инжиниринг компанияси хузуридаги «Обод қишлоқ» дирекцияси директори Марат Файжанов.

Беруний туманидаги «Пахтачи» овул фуқаролар йиғини, «Хоразм» ва «Палваш» маҳалла фуқаролар йиғинларида амалга оширилган ишлар айниқса таҳсинга сазовор.

Беруний туманининг энг чекка ҳудудида жойлашган Пахтачи қишлоғида кўпдан бунён ижтимоий-иқтисодий муаммолар йиғилиб қолган эди. Қишлоқ кўчалари бўйлаб фуқаролар ўзбошимчили билан ҳеч қандай талаб ва меъёрга жавоб бермайдиган ноқонуний биноларни қуриб ташлаган, ички йўллар ачинарли аҳволда эди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган ишда барча хайрихолик билан қатнашмоқда. Қишлоқни ободонлаштириш мақсадида ҳудуддаги 66 та уй-жойнинг том



Марат ФАЙЖАНОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг «Ягона бунёдкорлик» инжиниринг компанияси хузуридаги «Обод қишлоқ» дирекцияси директори:

Дастур бўйича жами 90 та ижтимоий соҳа, жумладан, 32 та умумтаълим мактаби, 18 та мактабгача таълим муассасаси, 13 та соғлиқни сақлаш, 27 та ичимлик суви таъминоти объектини реконструкция қилиш ва қуриш кўзда тутилган. Шунингдек, 19 та бозор инфратузилма объектлари қурилиш ишлари бажарилган бўлса, қўшимча равишда 22 та бекат қурилди.

қисми, 157 хонадоннинг фасади таъмирланди. Ноқонуний қурилмалар бузилган жойларга замонавий архитектурадаги савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этиш, уларнинг атрофини ободонлаштириш, мавсумий гуллар, манзарали ва мевали дарахтлар экиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек 4,7 километр масофадаги автомобиль йўллари ва ички йўللари қум, шағал ётқизиш, 1,5 километр масофадаги йўллари таъмирлаш, 26-умумтаълим мактаби, 56-мактабгача таълим муассасаси биноларида қайта таъмирлаш, «Хоразм» овул врачлик пунктини тўлиқ қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Бу каби хайрли ишлар маҳалланинг Кат қўчасида ҳам амалга оширилмоқда. Мазкур қўчадаги 9 қаватли уй-жойларнинг том, фасад қисмлари таъмирланаётди, ноқонуний қурилишлар олиб ташланмоқда. Уйларнинг кириш эшиклари ва йўлаклари қайта таъмирланиб, электр лампалар ўрнатилди. Болалар майдончаси, автомобиль турар жойлари қурилмоқда. Пиёдалар юриш йўлакларига бетон қопламалар ётқизирилиб, кўчаларга тунги ёриткичлар ўрнатилди.

«Палваш» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 52-умумтаълим мактаби биноси ва 1,5 километр масофадаги йўл таъмирланди. 700 метр пиёдалар йўлига қурилиб, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Бундай эзгу ишларда фермер хўжаликлари ҳам фаол иштирок этиб, ободонлаштириш ва қурилиш ишларида меҳнат қилаётган ишчиларни иссиқ овқат билан таъминламоқда.

маҳалла фуқаролар йиғинларида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун 19,2 млрд сўм маблағ ўзлаштирилиши белгиланган. Бугунги кунда режага қиритилган барча ишларни тўлиқ амалга ошириш борасида ишлар охирига етказилмоқда.

Дастурга қиритилган иккита умумтаълим мактаби, учта мактабгача таълим муассасаларида қурилиш ва реконструкция ишлари, битта соғлиқни сақлаш муассасасида таъмирлаш ишлари ниҳоятга етказилди.

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида Қорақалпоғистон Республикасида олиб борилётган ишларни кузатар экансиз, бунда халқимизнинг азалий удумлари — ҳашар, меҳр-оқибат каби улўф қадриятлари ўзининг амалий ифодасини топаётганига гувоҳ бўласиз.

Давлат дастурлари доирасида Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилётган ишлар бўйича мақола тайёрлаш жараёнида Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари Сабур Нагметов билан суҳбатимиз чоғида «Дастурлар бўйича амалга оширилётган ишларни жойларга бориб қуришни тавсия қилардим», деган чорлови бизни бу кўҳна замин ҳудудларини бориб қуришга етаклади.

МЎЙНОҚДА ХАМ МАЙИН ШАБАДА ЭСМОҚДА

Сўнгги икки йилда Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилётган юзлаб лойиҳалар мамлакатимиз шимолининг гуллаб-яшнашига, неча йиллар давомида Орол денгизининг қуриб бориши оқибатида экологик хавфда яшаб келаётган аҳолининг оғирини енгил қилишга қаратилмоқда. Худудлар бўйлаб сафаримизнинг биринчи манзили ана шундай ҳудудлардан бири — Мўйноқ тумани бўлди.

Мўйноқ — мамлакатимизнинг энг шимоллий ҳудуди. Бу ерда 30 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Меҳнатга лаёқатли инсонларнинг аксарияти ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда банд.

Қорақалпоғистон Республикасида «Обод қишлоқ» дастури доирасида:

- **6 848** та турар жой таъмирланди;
- **48** километр тротуарлар таъмирланди;
- **1 393** донга ёриткичлар ўрнатилди;
- **143** километр ичимлик суви тармоқлари тортилди;
- **130** километр ирригация тармоқлари яхшиланди;
- **50** километр мелиорация тармоқлари яхшиланди;
- **368,5** километр электр тармоқлари ва **177** донга трансформатор янгидан қуриш, модернизациялаш ҳамда мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилди;
- **141,5** километр газ тармоқлари янгидан қурилиш, мукаммал таъмирланди ва уларда демонтаж ишлари олиб борилди;
- **4 584** донга суюлтирилган газ баллонлари етказиб берилди;
- **109,4** километр ички автомобиль йўллари таъмирланди.



«Қорақалпоғистон» посёлка фуқаролар йиғинида «Устюрт групп текстиль» МЧЖда тикув цехининг фойдаланишга топширилиши 80 нафар маҳаллий хотин-қизни иш билан таъминлади.

Қишлоқлари обод маскан

Кейинги йилларда ҳудуддаги экологик ҳолатни яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, янги иш ўринлари очиб бўйича бажарилган аниқ, манзилли чора-тадбирлар натижасида одамлар турмуш даражаси сезиларли ошди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 20-21 январь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида Мўйноқ тумани аҳолисига тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммосини ҳал қилишга қаратилган Қўнғирот-Мўйноқ ичимлик суви тармоғи қурилиш лойиҳасининг бошланишига тамал тоши қўйган эди.

Орадан оз фурсат ўтиб, 101 километр узунликда қувор ётқизиблиб, туман аҳолиси учун тоза ичимлик суви етказиб берилди. Ушбу иншоотнинг ишга туширилиши натижасида бир суткада 7 минг куб метр сув узатиш ва 25 мингдан зиёд аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконияти яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18 январдаги «2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида»ги қарори асосида нафақат туман маркази, балки чекка овулардаги аҳолини ҳам сифатли ичимлик суви билан таъминлаш кўзда тутилган. Хусусан, «Нукус, Беруний, Мўйноқ, Қўнғирот ва Қораўзақ туманларининг сув таъминоти тизимини ривожлантириш ва модернизациялаш» лойиҳаси доирасида буюртмачи Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Осие тараққиёт банкнинг молиявий кўмағида Мўйноқ туманидаги 6 та аҳоли пунктида яшовчи аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланади. «Мўйноқ-Учсой» сув тармоғи яна 1,51 километр узайтирилиб, олис ову аҳолисига сифатли ичимлик суви етиб боради.

«Орол фожисидан энг кўп зарар кўрган асли шу – Мўйноқ аҳолиси. Уларнинг сабр-қаноати, ватанпарварлиги, меҳнаткашлиги учун раҳмат айтишимиз, шунга муносиб хизмат қилишимиз керак», деди давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 15-16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида.

Президентимизнинг 2017 йил 28 февралдаги «Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманини 2017-2018 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тўқимачилик ва фармацевтика ва электротехника маҳсулотлари, томчилаб сугорилиш ускуналари, пластмасса қувурлар ишлаб чиқариш ташкил этилди, балиқчилик ва туризмни ривожлантириш бўйича имкониятлар ишга солинди.

Кейинги йилларда ҳудуддаги экологик ҳолатни яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш бўйича бажарилган манзилли чора-тадбирлар натижасида одамлар турмуш даражаси сезиларли ошди, – дейди биз билан суҳбатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг Саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Сабур Нагметов. – Муҳтарам Президентимизнинг жорий йил 15-16 ноябрдаги Қорақалпоғистонга ташрифи вақтида 2019 йилда Мўйноқ туманида саноат соҳасида 12 та, қишлоқ хўжалигида 5 та, хизмат кўрсатиш бўйича 14 та лойиҳа амалга оширилиши бўйича лойиҳалар маъқулланди. Шу билан бирга ижтимоий соҳа объектлари қуриш ва таъмирлаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳалар бўйича керакли тавсиялар берилди. Келгуси икки

йилда Мўйноқда 20 та кўп қаватли уй қурилиш натижасида янги шаҳарча барпо этилади. Бу ерда замонавий шаҳарсозликдаги барча ангилликларни жорий этиш орқали намунавий инфратузилма яратилади. Давлатимиз раҳбари Мўйноқда қамиш кўплигини таъкидлаб, уни қайта ишлайдиган корхоналарни очиб, бозорбоп қурилиш материаллари ишлаб чиқариш орқали янги иш жойлари ташкил этиш, ёшларни иш билан таъминлаш бўйича берган тавсияларини амалга ошириш бўйича ишлар бошлаб юборилди.

Айни вақтда Мўйноқ туманидаги кичик саноат зонаси ҳудудида кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари иш бошлаган. Улардан бири «Қара ой Мойнақ Бабура» масулияти чекланган жамияти бўлиб, корхона полипропилен қоплар ишлаб чиқариш цехини биринчилар қатори ишга тушириб, 25 та янги иш ўрни яратди.

– Умумий қиймати 3 миллиард 200 миллион сўм бўлган ушбу лойиҳа йилга 6 миллион донга қоп ишлаб чиқаришга мўлжалланган, – дейди мазкур жамият раҳбари Абдулҳафиз Исматуллаев. – Корхонага асосан касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жалб қилганми.

Хитой Халқ Республикасидан полипропилен қоп ишлаб чиқариш ускуналари харид қилишда тадбиркорнинг ўз маблағига қўшимча банкнинг имтиёзли кредити ҳам қўл келди.

Туманда шунингдек, тўқимачилик, тайёр трикотаж маҳсулотлари, томчилаб сугорилиш ускуналари, сув насослари, пластмасса қувурлар, электротехника ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, балиқчиликни ривожлантириш ва балиқ маҳсулотлари тайёрлаш, фармацевтика учун яриш тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хом ашё базасини мустаҳкамлаш, сайёҳлик хизматини тараққиёт этиришга оид бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

ТУРИЗМ – ҚўШИМЧА ДАРОМАД МАНБАИ

Туризмни ривожлантириш борасида мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам туризм жозибадорлигини ошириш учун бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Чунонки, жорий йилда Нукус шаҳри, Тўрткўл, Эллиққалъа ва Мўйноқ туманларида замонавий меҳмонхона

2018-2019 йилларда Қорақалпоғистонда 42 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Яъни, 8 та янги меҳмонхона, 3 та кемпинг, 3 та логистика ҳамда 1 та туристлар учун овқатланиш ўрни қурилиши назарда тутилган.

Нукусдаги И. Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейига мамлакатимизнинг қатор вилоятларидан, Қорақалпоғистон Республикасининг барча шаҳар ва туманларидан сайёҳларни жалб қилган ҳолда турлар ташкил этилмоқда. Оролбўйининг туризм ва экотуризм салоҳияти ҳақида ўзбек, рус ва инглиз тилларида каталог, китоб ва флайерлар тайёрланган.

Дастурга кўра, миллий санъатимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз ва қадриятларимизни кенг тарғиб этиш мақсадида «Ёшлар фольклори» республика фестивали, «Аббаз овози Қаратеранг ирғоқлари» фольклор фестивали ва жировлар, бахшилар, охун ва қиссаҳоқлар иштирокида «Кур» фестивали ўтказилади.

«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» ички туризмни ривожлантириш дастури асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси туризмни ривожлантириш бошқармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, Қорақалпоғистон касабаяшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси билан ҳамкорликда турлар ва экскурсиялар ташкил қилиш режалаштирилмоқда. Бунда шаклимиз, айниқса, маҳалла фаоллари, нуронийлар, ёшлар ва ёрдамга муҳтож оилалар вакиллари билан мамлакатимиз ҳудудидаги тарихий жойларга саёҳатларини ташкил этиш назарда тутилмоқда.

ЮРТИМИЗНИНГ ЭНГ ЧЕККА ХУДУДИ ҲАМ ОБОД

«Қорақалпоғистон» шаҳарчаси Қўнғирот тумани таркибига кириб, нафақат Қорақалпоғистон Республикаси, балки мамлакатимизнинг энг чекка ҳудуди ҳисобланади. Мазкур шаҳар типидидаги аҳоли пункти 1971 йилда бунёд этилган бўлиб, Нукус шаҳридан 500 километрдан зиёд нарида жойлашган. У ерга Қорақалпоғистон Республикасиданги саҳро-

Қутли КОШИМБЕТОВА, «Қорақалпоғистон» посёлка фуқаролар йиғини раиси:

– Асли касбим ўқитувчи. Турмуш ўртоғимнинг касби қурувчи бўлгани боис, шаҳарчадаги қурилиш ишларида иштирок этиш учун 1988 йилда бир йиллик муддатга келган эдик. Мана, орадан 30 йил ўтиб, ўзим ушбу жойнинг қайта қурилишида иштирок этяман. Уч фарзандим ҳам шу ерда камол топиб, бугунги кунда посёлкадаги умумтаълим мактабларида ёшларга сабоқ беришяпти.

– Мен бир неча йилдан бери мана шу йўналишда юраман, – деди вагон кузатувчиси Жалдас Назимов. – Бу ердаги ҳар бир ҳудудни яхши биланам. Таътилдалигим боис, салкам бир ой ишда бўлмайдим. Дам олишдан кейин биринчи йўлга чиқиб, «Қорақалпоғистон» посёлкаси вокзалига келганимизда, аввалига қаерга келиб қолганимизни англай олмадим. Кейинроқ вокзал номига кўзим тушгач, қисқа муддат ичида шунчалик ўзгариш қилинганига қойил қолдим.

Юртимиздаги бунёдкорлик ишларига берилётган бундай баҳо, албатта, киши қалбини фаҳрага тўлдирди. Вокзал перронидида бизни ёши улуг бир аёл қарши олди. М. Файжанов бизни таништирди:

– Бу опамиз «Қорақалпоғистон» посёлка фуқаролар йиғини раиси Қутли Абдуллаевна Кошимбетова, мана шу ерда амалга оширилган ишларга бош-қош бўлган ҳам шу киши бўлади-лар.

Онахоннинг чеҳрасидаги қувончни қўриб, кишининг завқи ошди. Посёлка бўйлаб борарканмиз, Қутли опа қилинган бунёдкорлик ишлари ҳақида сўзлай кетди.

– Посёлкада 3 216 нафар аҳоли 25 та 2 қаватли ва 390 та хусусий уйда истиқомат қилади, – дейди у. – Қўнғирот тумани марказидан 320 километр олинсада жойлашган посёлкада

ўнгимизда пайдо бўларди. Кўп қаватли уйлар яқинида тартибсиз қурилган пана-пасткам объектлар кўнгилни хира қиларди. Бугун эса ҳаммаси бошқача – посёлкамиз замонавий шаҳарчага айланди.

Посёлкадаги барча кўп қаватли уйлар, шунингдек, йўлак ва йўллар таъмирланди. Еш оилалар, кам таъминланганлар ҳамда ноғиронлиги бор фуқаролар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси ташаббуси билан 24 та арзон уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2 километр тоза ичимлик суви тармоғи яхшиланди, 21 та трансформатор ва 98 та эски симёғоч устун, 200 та тунги ёриткичлар ўрнатилди, 2,2 километр газ тармоғи ва 16 та газ тақсимлаш нуқтаси таъмирланди. 16,2 километр ички автомобиль йўллари таъмирланди, 2 та бекат, 2 та мини-футбол майдончалари қурилди. Маҳаллий ёшларни жалб қилиш мақсадида эски, нураб бораётган Қўнғирот тумани болалар-ўсмирлар спорт мактабининг «Қорақалпоғистон» шаҳарчасидаги мактаби қайтадан тикланиб, бугунги кунда шаҳарчадаги 100 нафардан зиёд болалар спортнинг бокс, миллий кураш, дзю-до, шахмат-шашка турлари билан шуғулланишни бошлашган.

Посёлкадаги 2 та давлат мактабгача таълим муассасаси қайта таъмирланди, 1 та хусусий боғча қуриб битказилиб, болажонларни ўз бағрига олди. 26-ва 56-умумтаълим мактаблари ҳам замонавий қиёфага эга бўлди.

Баҳодир АРТИКОВ, «Қорақалпоғистон» газ қувурлари бошқармаси раиси:

– Аҳолининг акарият қисми, яъни 318 нафар киши «Қорақалпоғистон» газ қувурлари бошқармасига қарашли компрессор заводида меҳнат қилади. Улар учун барча шароитлар яратилган. Иш икки сенада ташкил этилган. Ишчилар иссиқ овқат уст-бош билан таъминланган. Шаҳаримизнинг янги жамолани қўриб ўзимнинг ҳам хавасим жўшиб кетяпти. Заводгача бўлган йўлнинг буткул таъмирдан чиқариллиши бу ерда ишловчиларнинг оғирини енгли қилди.

– 1973 йилда қурилган мактабгача таълим муассасамиз илгари 120 нафар болажонга мўлжалланганди, таъмирдан кейин эса 150 нафар болани қабул қилиш имкони яратилди, – деди 29-сонли мактабгача таълим муассаси мудир Ширин Сержанова. – Ҳозирда муассасамизда 5 та тўлиқ ва 2 та қисқа муддатли гуруҳлар ишлаб турибди.

Дастурнинг муҳим жиҳати шундаки, нафақат қишлоқ обод бўлди, балки у ерда яшаётган юртдошларимиз доимий иш ўрнига эга бўлди. «Қорақалпоғистон» посёлка фуқаролар йиғинида «Устюрт групп текстиль» МЧЖда тикув цехининг фойдаланишга топширилиши 80 нафар маҳаллий хотин-қизни иш билан таъминлади.

– Цехимиз ўз фаолиятини 1 ноябрдан бошлади, – деди жамият раҳбари Сулухон Берданова. – Ҳозирги кунда тикувчилик цехида 65 нафар хотин-қиз ишламоқда. Асосий ҳоми – «Қорақалпоғистон» газ қувурлари бошқармаси томонидан ишни ташкил этиш учун Хитой давлатида ишлаб чиқарилган 269 миллион сўмлик дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилди. Ҳозирда компрессор заводи буюртмаси билан 327 миллион сўмлик уст-бош тикяпти.

Ўтган асрнинг 90-йилларидан буён қаровсиз ётган клуб қайта таъмирланиб, замонавий «Маданият саройи»га айлантирилди.

– Саройимизнинг бугунги жамоли, яратилган шароитларини қўриб, одамнинг жўшиб ишлагиси келади, – дейди биз билан суҳбатда Маданият уйи директори Қувонши Абдукаримов. – Энг қувонарлиси, барча қўлайликларга эга 160 ўринли концерт зали ишга тушди. Энди бу ерда Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган дастурга асосан турли маданий-маърифий тадбирлар, театр томошалари, учрашувлар ташкил этиш мумкин.

Шаҳарчага хусн бағишлаб турган яна бир бино олдида тўхтадик.

– Бу бизнинг фуқаролар йиғини идораси, – деди вқор билан Қ. Кошимбетова. – Бино қурилиши битан, лекин ҳали анжомларини қўйишга улгурмадик. Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасидан кутубхонамизга 200 дан зиёд бадиий адабиёт совға қилинди.

Хуллас, республикамизнинг энг чекка ҳудудидаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини кўрган кишининг баҳри-дили очилади. Қилинган меҳнат бесамар кетмаганига, Юртбошимизнинг ташаббуси билан бошланган бундай хайрли ишлар орқали қанчадан-қанча кишиларнинг диллари яшнаётганига таҳсинлар айтиш мумкин.

Дилшод ЖАЛОЛОВ, Эшмуҳаммад ХАЛИЛОВ (фото), «O'zbekiston bunyodkori»нинг махсус мухбирлари. Тошкент – Нукус – Тошкент.



фармацевтика ва электротехника маҳсулотлари, томчилаб сугорилиш ускуналари, пластмасса қувурлар ишлаб чиқариш ташкил этилди, балиқчилик ва туризмни ривожлантириш бўйича имкониятлар ишга солинди.

Кейинги йилларда ҳудуддаги экологик ҳолатни яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш бўйича бажарилган манзилли чора-тадбирлар натижасида одамлар турмуш даражаси сезиларли ошди, – дейди биз билан суҳбатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг Саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Сабур Нагметов. – Муҳтарам Президентимизнинг жорий йил 15-16 ноябрдаги Қорақалпоғистонга ташрифи вақтида 2019 йилда Мўйноқ туманида саноат соҳасида 12 та, қишлоқ хўжалигида 5 та, хизмат кўрсатиш бўйича 14 та лойиҳа амалга оширилиши бўйича лойиҳалар маъқулланди. Шу билан бирга ижтимоий соҳа объектлари қуриш ва таъмирлаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳалар бўйича керакли тавсиялар берилди. Келгуси икки

налар барпо этилиши кўзда тутилган. Мўйноқ туманидаги Судочье кўли бўйида дам олиш маскани ва балиқ маҳсулотларидан миллий таомлар тайёрловчи овқатланиш шохобчаси ишга туширилади. Шунингдек, ҳудуднинг этнографик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда «Ethno-Village» (этно-қишлоқ) ҳамда Эллиққалъа туманида Ақчақўл ёнида туристик мажмуа қад ростлайди.

– Айни пайтда Қорақалпоғистонда 34 та туристик ташкилот фаолият юритмоқда, – дейди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи Байрам Қусеєев. – Улар томонидан ўтган йили 8 мингдан ортиқ сайёҳга хизмат кўрсатилган. Қорақалпоғистонга асосан Франция, Буюк Британия, Германия, АҚШ, Россия ва Япония давлатларидан туристлар ташриф буюрмоқда.

Мўйноқ туманидаги «Очиқ осмон остидаги кемалар музейи» атрофида «Muinoq tou» сайёҳлик фирмаси томонидан 4 та ўтов, «Мўйноқ» маяги ва овқатланиш шохобчаси ташкил қилинди. Мазкур объектларнинг атрофи ободонлаштирилиб, денгизнинг тарихи ва харитаси ёзиб қўйилди.

лар орасида бундан бир неча йиллар аввал қурилган эски йўл ёки темир йўл орқали етиб бориш мумкин.

– Манзилга қишининг изғирин кунлари автоловда етиб олиш бироз мушкулроқ, – деди С. Нагметов. – Йўллар сирпанчиқ бўлиши мумкин, шу сабабли поездда борганларингиз маъқул.

Дастур доирасида амалга оширилган ишлар билан таништириш учун бизга Марат Файжанов ҳамроҳлик қиладиган бўлди.

– Бепоев Устюрт кенгликлари бағрида жойлашган «Қорақалпоғистон» посёлкасида 43,5 миллиард сўмлик қурилиш-реконструкция ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, – дея қилинган ишлар ҳақида тушунча берди ҳамроҳимиз. – Қўнғирот туманига қарашли ушбу аҳоли пункти «Обод қишлоқ» дастури асосида янги қиёфа касб этганидан, аввало, худуд аҳолиси беҳад мамнун.

Биз ўтирган поезд «Қорақалпоғистон» темир йўл вокзалига келиб тўхтади. Замон талабига мос равишда қайтадан қурилган вокзал перронидан ўтиб борарканмиз, йўл-йўлақай «Қозғистон темир йўллари»га қарашли вагондаги суҳбат беҳиётёр димга тушди.

бундай ўзгаришлар бўлади деса, йил бошида ҳам биров ишонмасди. Ўтган асрнинг 70-йилларида қурилган кўп қаватли уйлар бутунлай таъмирталаб аҳволга келиб қолганди. Ёмғир ётса кўча лой, тоmidан чакки ўтадиган уй кўз

Қувонши АБДУКАРИМОВ, Маданият уйи директори:

Маданият уйида ҳозирча 3 та тўғарақ иш юритмоқда. Тикувчилик тўғарақда қизларимиз каштачилик сирларини эгаллашса, қозқоқа дўбра ва қорақалпоқча дўтор чалишни эса ўғил болалар билан бир қаторда қизлар ҳам ўрганишмоқда. Келгусида тўғарақлар сонини кўпайтиришни режа қилиштираганми.



4 ЖАРАЁН

2017-2018 йил дастурлари доирасида арзон уй-жойлар қурилишини молиялаштириш мақсадида жами 4 085,2 млрд сўм, шу жумладан, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан 1 809,1 млрд сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.



Аҳоли саломатлиги йўлида

Мирзачўл туманидаги «Мустақиллик» МФЙ аҳолиси 2019 йилни ўзгача қувонч билан қарши олмақда. Сабаби, маҳаллада янги оилавий поликлиника иш бошлади.



Гулжаҳон АШУРОВА, журналист.

Президентимизнинг «Обод қишлоқ» давлат дастури тўғрисидаги фармони асосида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳудудлар кўрғига кўрк қўшмоқда. Жойларда аҳоли саломатлигини мустақамлашга хизмат қилувчи замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт масканлари ҳам барпо этилмоқда. Жиззах вилояти Гагарин шаҳарчаси «Мустақиллик» МФЙда қурилиб, фойдаланишга топширилган муҳташам кўп тармоқли марказий поликлиника ҳам ана шулардан бири.

Тиббиёт муассасасини «Жиззах тадқиқот» МЧЖ томонидан тайёрланган лойиҳа асосида «Сабина Бизнес Қурилиш» МЧЖ жамоаси тез ва сифатли барпо этди. 2 қаватли саломатлик маскани 250 қатновга эга бўлиб, унда яратилган шароитлар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. 84 та хонадан иборат мажмуа кенг ва шинам, тиббий талаблардан келиб чиқиб ишланган мебель жамланмалари билан жиҳозланган. Фаолиятга зарур ахборот-коммуникация дастурлари жорий этилган. Яъни электрон поликлиника автоматлашган тизимга уланган.

Хусусан, «Саломатлик 3» лойиҳаси доирасида 2 млрд 161 минг 987 сўмлик янги тиббий асбоб-ускуналар келтирилиб ўрнатилди. Поликлиникада бугунги кунда 23 та шифокор, 73 нафар кичик тиббиёт ходими тумандаги қарийб 46 780 нафар аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Янги тегирмондан сифатли маҳсулот

Самарқанддаги «Оқтошдон» ҳиссдорлик жамиятига қарашли «Каттақўрғондон» филиали ишчи-хизматчилари бунёдкорлардан ажойиб тўхфа қабул қилиб олдидлар. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрами арафасида мазкур даргоҳда юксак технологияга асосланган замонавий тегирмон фойдаланишга топширилди.



Сифати ҳам ахшираниб, атрофга тарқалаётган чанг, ғубордан асар қолмади. Натихада бу экологик вазиятга ижобий таъсир кўрсатиб, электр қувватини иқтисод қилишга имконият яратмоқда. Илғор техника бир маромда ишлаши, барча жараёнлар компьютерлар ёрдамида бошқарилиши билан ажралиб туради.

Корхонани ташкил этиш билан боғлиқ маълумотлар узоқ тарихга бориб тақалади. Ўтган асрнинг ўрталарида қуриб битказилган ишоот бугунги кун талабига жавоб бермай қолган эди. Бу эса, ўз навбатида, анча муаммоларни келтириб чиқариш билан бир қаторда, маҳсулот сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатаётганди. Шунда тажрибали мутахассис, ишбилармон раҳбар Тўра Худойбердиев ташаббус қилди уриб, уни тўлиқ модернизация қилиш таклифини ўртага ташлади. «Ўздонмаҳсулот» компанияси, вилоят ҳокимлиги ушбу сазй-ҳаракатни қўллаб-қув-

ватлашлари туфайли қисқа фурсатда бу ерда улкан ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. «Шермуҳаммад» МТР хусусий корхонаси бинкорлари ишни аввало тегирмонни реконструкция қилишдан бошладилар. – дейди қурилиш муҳандиси Ғайрат Нажимов. – Туркиянинг «Такена» фирмасидан олиб келиб ўрнатилган янги линия айни пайтда бир кеча-кундузда 150 тонна бугдойни қайта ишлаш қувватига эга. Муҳими, витаминга бой, темир моддаси билан тўйинтирилган олий навли ун ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулот

ят юритиши, ихчам бўлиши учун барча имкониятларни ишга солдилар. Ҳозирги кунда корхонада янгилашган жараёни долзарб тус олган. Омухта ем цехи таъмирланиб, брикетланган грануляли ем чиқариш учун жиҳозланган, омборхона, эливатер, лаборатория ускуналари янгисига алмаштирилмоқда. Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи фойдаланишга топширилиши арафасида. Ушбу юмушларни бажаришда Нурали Сатторов, Отабек Иzzатуллаев, Абдулла Ваҳобов, Жавоҳир Холмуродов, Собир Ғуломов, Фарҳод Аҳмедов каби ишчи ва муҳандислар жонбозлик кўрсатишаётир.

Суратда: янги тегирмондаги иш жараёнидан лавҳа.

Ҳамза ШУКУРОВ, «O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Уй-жой қурилишидаги янгиликлар

Шу билан бирга, ушбу йўналишдаги ишларни янада жонлантириш, аҳолига қўшимча қулайлик тақдим этиш мақсадида 2018 йил 24 ноябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қурилиши кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган «Қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиш банк» АТБ иштироки мавзусидаги матбуот анжуманида мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар ва янгиликлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Тадбирда қайд этилишича, 2017-2018 йил дастурлари доирасида арзон уй-жойлар қурилишини молиялаштириш мақсадида жами 4 085,2 млрд сўм, шу жумладан, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан 1 809,1 млрд сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Шунинг 445,8 млрд сўми аҳоли маблағлари, 1 363,3 млрд сўми банк томонидан ажратилган имтиёзли ипотека кредити ҳиссасига тўғри келади.

Шуни ҳам айтиш зарурки, жорий йилда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган арзон уй-жойлардан олиш тартибига ҳам ўзгартириш киритилганди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 июлда қабул қилинган «2018 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар ва шаҳарларда арзон

қўп квартиралар уйлар қуриш дастурларини амалга ошириш механизмининг такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2018 йил 1 июлдан 2020 йил 1 январгача бўлган даврда:

– 20 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли давр ҳамда биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдоридан 0,02 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштирилган бир қаватли 3 хонали (ёнама-ён қурилган) арзон уйлар, шунингдек, аҳолиси зичлиги юқори бўлган ва зарур муҳандислик-транспорт коммуникациялари билан таъминланган ҳудудларда 0,02 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштирилган бир қаватли 3 хонали (ёнама-ён қурилган) арзон уйлар, шунингдек, аҳолиси зичлиги юқори бўлган ва зарур муҳандислик-транспорт коммуникациялари билан таъминланган ҳудудларда тўрт қаватли арзон қўп квартиралар (2 ва 3 хонали) уйлар қурилиши кўзда тутилган. Шу билан бир қаторда, 2018 йил 1 июлдан 31 декабрга қадар имтиёзли ипотека кредити – уч йилдан иборат имтиёзли давр билан ажратилиши белгиланган бўлса, 2019 йил 1 январдан бошлаб, ушбу имтиёзли ипотека кредитининг имтиёзли даври икки йилдан иборат бўлиши белгиланди.

– қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш учун уй қурувчиларга дастлабки бадал: 0,02 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштирилган 2, 3 хонали бир қаватли ва икки, уч, тўрт, беш қаватли қўп квартиралар (2 ва 3 хонали) арзон уй-жойлар учун – 10 фоиз миқдоридан;

– 0,04 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштирилган икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган арзон уй-жойлар ва 0,06 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштирилган 3, 4 ва 5 хонали арзон уй-жойлар учун – 25 фоиз миқдоридан бўлиши белгиланган эди.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрь кунини қабул қилинган «Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қурилиши кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4028-сонли қарорига мувофиқ, 2019 йилдан бошлаб республикамиз қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жой-

лар қурилиши «Обод қишлоқ» дастури билан ўзаро уйғунлиқда ташкил қилиш белгиланди, – дейди АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Акбар Эшонқулнов. – Бунда «Обод қишлоқ» дастурига киритилган аҳолиси зич бўлмаган ва зарур муҳандислик-транспорт коммуникациялари билан таъминланган ҳудудларда 0,02 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштирилган бир қаватли 3 хонали (ёнама-ён қурилган) арзон уйлар, шунингдек, аҳолиси зичлиги юқори бўлган ва зарур муҳандислик-транспорт коммуникациялари билан таъминланган ҳудудларда тўрт қаватли арзон қўп квартиралар (2 ва 3 хонали) уйлар қурилиши кўзда тутилган. Шу билан бир қаторда, 2018 йил 1 июлдан 31 декабрга қадар имтиёзли ипотека кредити – уч йилдан иборат имтиёзли давр билан ажратилиши белгиланган бўлса, 2019 йил 1 январдан бошлаб, ушбу имтиёзли ипотека кредитининг имтиёзли даври икки йилдан иборат бўлиши белгиланди.

Очиқ мулоқот руҳида ўтган тадбирда қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиш дастурларида «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ иштирокига доир масалалар, хусусан, қишлоқ жойларда қурилиши кредитлаш йўналишида банк томонидан ажратилган ипотека кредитларини расмийлаштириш тартиби бўйича зарур маълумотлар берилди ва журналистларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди.

Абдумуталлиб ЎКТАМОВ, «O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

«Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ

объектнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Агрохимёхимия» ХАЖга қарашли куйидаги кўчмас мулклар қўйилади:
 1. Ғузур тумани, «Гармистон» МФЙ, Тенгдош қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 4 511,0 квадрат метр бўлган юбилей шийпон биноси. **Бошланғич баҳоси** – 159 818 921 сўм.
 2. Ғузур тумани, «Янгикент» МФЙ, Янгикент қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 0,0666 квадрат метр бўлган турар жой биноси. **Бошланғич баҳоси** – 46 604 106 сўм.
 3. Ғузур тумани, «Янгикент» МФЙ, Янгикент қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 1 200,0 квадрат метр бўлган минерал ўғитлар омбори биноси. **Бошланғич баҳоси** – 78 386 379 сўм.
 4. Ғузур тумани, «Ковчин» МФЙ, Ковчин қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 1 151,0 квадрат метр бўлган турар жой биноси. **Бошланғич баҳоси** – 66 939 783 сўм.
 5. Ғузур тумани, «Ковчин» МФЙ, Ковчин қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 2 186,0 квадрат метр бўлган минерал ўғитлар саклаш омбори биноси. **Бошланғич баҳоси** – 208 871 620 сўм.
 6. Ғузур тумани, «Зарбдор» МФЙ, Ковчин қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 396,0 квадрат метр бўлган биологатория биноси. **Бошланғич баҳоси** – 341 953 983 сўм.
 7. Ғузур тумани, «Гулистон» МФЙ, Каттақишлоқ қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 1 492,0 квадрат метр бўлган минерал ўғитлар омбори биноси. **Бошланғич баҳоси** – 61 174 747 сўм.
 8. Ғузур тумани, «Пахтазор» МФЙ, «Қўхнур» кўчасида жойлашган, умумий майдони 2 105,56 квадрат метр бўлган клуб биноси. **Бошланғич баҳоси** – 143 952 579 сўм.
 9. Ғузур тумани, «Халқабод» МФЙ, Халқабод қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 3 676,0 квадрат метр бўлган минерал ўғитлар омбори биноси. **Бошланғич баҳоси** – 63 392 639 сўм.
 10. Ғузур тумани, «Қўштепа» МФЙ, Жонбулоқ қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 450,0 квадрат метр бўлган дала шийпони биноси. **Бошланғич баҳоси** – 22 952 581 сўм.
 11. Ғузур тумани, «Қўштепа» МФЙ, Қўштепа қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 3 997,0 квадрат метр бўлган минерал ўғитлар омбори биноси. **Бошланғич баҳоси** – 109 738 038 сўм.
 12. Қамаш тумани, «Қоратеп» МФЙ, Қоратеп қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони

9 521,43 квадрат метр бўлган минерал ўғитлар омбори биноси. **Бошланғич баҳоси** – 97 095 823 сўм.
 13. Қамаш тумани, «Тўқбой» МФЙ, Тўқбой қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 4 010,45 квадрат метр бўлган минерал ўғитлар омбори биноси. **Бошланғич баҳоси** – 69 621 164 сўм.
 14. Қамаш тумани, «Пахтабод» МФЙ, Гулистон қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 5 097,94 квадрат метр бўлган минерал ўғитлар омбори биноси. **Бошланғич баҳоси** – 227 199 959 сўм.
 15. Қамаш тумани, «Тўқбой» МФЙ, Тўқбой қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 2 166,0 квадрат метр бўлган биологатория биноси. **Бошланғич баҳоси** – 45 114 930 сўм.
 16. Қамаш тумани, «Қорасув» МФЙ, Қорасув қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 7493,66 квадрат метр бўлган омборхона, механик установа ва қоровулхона биноси. **Бошланғич баҳоси** – 561 745 713 сўм.
 17. Қамаш тумани, «Жонбузсой» МФЙ, Гулистон қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 3 200,0 квадрат метр бўлган минерал ўғитлар омбори биноси. **Бошланғич баҳоси** – 71 941 286 сўм.
 18. Қамаш шаҳри, «Улуғбек» МФЙ, «Ифтихор» кўчаси ҳудудида жойлашган, умумий майдони 1 700,0 квадрат метр бўлган маъмурий бино объекти. **Бошланғич баҳоси** – 71 647 893 сўм.
 19. Нишон тумани, «Бахлик» МФЙ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 1 804,0 квадрат метр бўлган минерал ўғитлар омбори биноси. **Бошланғич баҳоси** – 63 121 627 сўм.
 20. Нишон тумани, «Юксалиш» МФЙ, Юксалиш массиви ҳудудида жойлашган, умумий майдони 9 800,0 квадрат метр бўлган дала шийпони биноси ва навес. **Бошланғич баҳоси** – 98 623 719 сўм.
 21. Нишон тумани, «Юксалиш» МФЙ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 2 970,0 квадрат метр бўлган минерал ўғитлар омбори биноси. **Бошланғич баҳоси** – 222 902 289 сўм.
 22. Нишон тумани, «Пахтазор» МФЙ, Янги Нишон шаҳри ҳудудида жойлашган, умумий майдони 304,43 квадрат метр бўлган маъмурий бино объекти. **Бошланғич баҳоси** – 136 496 294 сўм.
 23. Нишон тумани, «Қирқулоқ» МФЙ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 1 152,0 квадрат метр бўлган минерал ўғитлар омбори биноси. **Бошланғич баҳоси** – 49 490 760 сўм.

24. Касби тумани, «Чўлуқвар МФЙ», Чўлуқвар қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 2 176,0 квадрат метр бўлган минерал ўғитлар омбори биноси. **Бошланғич баҳоси** – 145 830 272 сўм.
 25. Касби тумани, «Талишбе» МФЙ, Талишбе қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 4 500,0 квадрат метр бўлган минерал ўғитлар омбори биноси. **Бошланғич баҳоси** – 106 072 155 сўм.
 26. Касби тумани, «Майманок» МФЙ, Майманок қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 3 379,0 квадрат метр бўлган минерал ўғитлар омбори биноси. **Бошланғич баҳоси** – 64 470 799 сўм.
 27. Муборак тумани, «Гулистон» МФЙ, Гулистон қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 4 500,0 квадрат метр бўлган минерал ўғитлар омбори биноси. **Бошланғич баҳоси** – 106 072 155 сўм.
 28. Қарши тумани, «Чўлибўстон» МФЙ, Чўлибўстон қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 8 787,76 квадрат метр бўлган «Ипак йўли» номи «Агрохимё» хизмат кўрсатиш шохобчасининг эски биноси. **Бошланғич баҳоси** – 152 939 720 сўм.
 29. Қарши тумани, «Ковчин» МФЙ, Ковчин қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 2 000,0 квадрат метр бўлган Я. Омонов «Агрохимё» хизмат кўрсатиш шохобчаси биноси. **Бошланғич баҳоси** – 58 007 944 сўм.
 30. Косон тумани, «Гувалак» МФЙ, Бўстон қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 912,82 квадрат метр бўлган минерал ўғитлар омбори биноси. **Бошланғич баҳоси** – 70 681 800 сўм.
 31. Миришкор тумани, «Помук» МФЙ, Помук қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 5 433,7 квадрат метр бўлган дала шийпон биноси. **Бошланғич баҳоси** – 117 072 854 сўм.
 32. Миришкор тумани, Янги Миришкор шаҳарчаси ҳудудида жойлашган, умумий майдони 25,20 квадрат метр бўлган савдо дўкони биноси. **Бошланғич баҳоси** – 10 322 014 сўм.
 33. Яққабоб тумани, «Истиқлол» МФЙ, Олақарға қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 800,0 квадрат метр бўлган минерал ўғит саклаш ва тарқатиш шохобчаси биноси. **Бошланғич баҳоси** – 207 919 222 сўм.
 34. Қитоб тумани, «Макрид» МФЙ, Ўртачил қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 2 300,0 квадрат метр бўлган омборхона биноси. **Бошланғич баҳоси** – 184 940 642 сўм.

35. Косон тумани, «Арабхона» массиви ҳудудида жойлашган, умумий майдони 75,26 квадрат метр бўлган дала шийпони биноси ва навес. **Бошланғич баҳоси** – 60 151 470 сўм.
 36. Нишон тумани, «Ойдик» МФЙ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 1 800,0 квадрат метр бўлган омборхона биноси. **Бошланғич баҳоси** – 104 358 431 сўм.
Аукцион савдоси 2019 йил 21 январь кунини соат 11.00 дан бошлаб «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ офиси биносида ўтказилади.
 Очиқ аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар эълон чиққан санадан бошлаб ҳар кунини дам олиш ва байрам кунларидан ташқари соат 9.00 дан 18.00 гача «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ офиси биноси (Қарши шаҳри, 4-митти тумани, мўлжал: «Парвина» кафесининг ёни)да қабул қилинади.
 Аризаларни қабул қилиш 2019 йил 18 январь кунини соат 17.00 дан тўхтаётлади. Савдо фолибига сотувчи билан аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун муддатда олди-сотди шартномасини тузиш ва тўловларни сотувчи билан тузиладиган олди-сотди шартномасига асосан амалга ошириш мажбурияти юклатилади.
 Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар кўрсатилган объектнинг сотиб олиш учун бюртномалар, «Закалат пули тўғрисида»ги келишувга асосан савдога қўйилган объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизи миқдоридан закалат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, юридик шахслар учун корхона (ташхилот) устави ҳамда ваколатли шахс номига берилган ишончнома тақдим этишлари шарт.
Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар: «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ, АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё вилоят филиали МФО 00190 ҳисоб рақами 2020 8000 5049 4256 0001 СТИР 302 126 648.
Манзал: Қарши шаҳри, 4-митти тумани.
Мўлжал: «Парвина» кафеси.
Телефон: (95) 505-08-99.
E-mail: ikoskarshi@yandex.com
Веб-сайт: www.ikos.us
 Хизматлар лицензияланган.
 RR-0111 рақами лицензия.

Сообщение Центрального банка Республики Узбекистан

Центральный банк Республики Узбекистан установил с 18 декабря 2018 года следующие курсы иностранных валют к суму для ведения бухгалтерского учета, статистической и иной отчетности по валютным операциям, а также исчисления таможенных и других обязательных платежей *)

1 доллар США – 8325,59
1 ЕВРО – 9413,74
1 российский рубль – 124,70
1 фунт стерлингов – 10476,09
1 южнокорейская вона – 7,36
1 японская йена – 73,44
1 малайзийский ринггит – 1990,34
1 китайский юань – 1205,73
1 швейцарский франк – 8345,62
1 дирхам ОАЭ – 2266,82
1 египетский фунт – 463,82
1 австралийский доллар – 5974,44
1 турецкая лира – 1552,56
1 сингапурский доллар – 6047,94
1 СДР – 11441,03
1 канадский доллар – 6221,48
1 украинская гривна – 298,47
1 польский злотый – 2193,48
1 кувейтский динар – 27378,70

*) Курсы установлены без обязательности Центрального банка Республики Узбекистан покупать или продавать валюты по данному курсу.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги жамоаси «Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ДУК бўлими бошлиғи Актам Акбаровнинг отаси, фахрий курувчи

Актам АКБАРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихсоз этади.